




New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

5 (67) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

5 (67)

2024

Май

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.04.2024, Accepted: 10.05.2024, Published: 15.05.2024

УДК 611.423.428:616.438-053.31

ЕТИЛИБ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР ТИМУСИНИНГ АНАТОМИК ПАРАМЕТРЛАРИ

Э.А. Эшбаев <https://orcid.org/0009-0008-8735-0527>

Ш.Х. Худойкулова Email: XudaykulovaSh@mail.ru

Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон, 100109, Тошкент, Олмазор тумани,
Фароби кўчаси 2, тел: +99878 1507825, E-mail: info@tma.uz

✓ Резюме

Ушбу мақолада етилиб туғилган чақалоқлар тимусининг анатомик ва топографик параметрлари ўрганилди. Тимуснинг ўртача вазни ўғил болаларда 16,4 г, қиз болаларда 11,6 г, аксарият ҳолларда бўлақлари бир-бири билан симметрик, ¼ қисмида асимметрик ва 1/7 ҳолларда бўлақлари 2 тадан кўплиги аниқланди. Тимус бўлақларининг узунлиги ва эни ўғил болаларда ҳам ўнг, ҳам чап бўлақлари бир хил узунликда эканлиги, қиз болаларда чап бўлагига қараганда, ўнг бўлаги биров узун эканлиги топилди. Бўлақларнинг қалинлиги қиз болаларда фарқ қилди, яъни ўнг бўлақнинг қалинлиги 1,4 ммга қалин эканлиги аниқланди.

Калит сўзлар: чақалоқ, тимус, анатомия, топография, тимуснинг вазни, ўлчамлари, шакли.

АНАТОМИЧЕСКИЕ ПАРАМЕТРЫ ТИМУСА У ЗРЕЛЫХ НОВОРОЖДЁННЫХ ДЕТЕЙ

Э.А. Эшбаев, Ш.Х. Худойкулова

Ташкентская Медицинская Академия (ТМА) Узбекистан, 100109, Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби 2, тел: +99878 1507825, E-mail: info@tma.uz

✓ Резюме

В этой статье изучена анатомические и топографические параметры тимуса у зрелых новорождённых детей. У мальчиков средней вес тимуса равен 16,4 гр, у девочек 11,6 гр, определено, что у большинство случаях дольки тимуса расположена симметрично, 1 /4 случаях дольки расположена асимметрично и 1/7 случаях наблюдается больше 2- х долек тимуса. А также определено длина и ширина долек тимуса у мальчиков имеет одинаковой размер а у девочек правая долька длинее левой дольки, толщина долек тимуса у девочек отличается тем, что толщина правой дольки равна 1,4 мм.

Ключевые слова: новорождённый, тимус, анатомия, топография, вес тимуса, размеры, формы.

ANATOMICAL PARAMETRES OF THE THYMUS OF MATURELY BORN INFANTS

E.A.Eshbaev, Sh.Kh. Khudoykulova

Tashkent Medical Academy 100109, Tashkent, Uzbekistan Farabi Street 2.
Tel: +99878 1507825; E-mail: info@tma.uz

✓ Resume

Abstract. In this article, the anatomical and topographical parameters of the thymus of maturely born infants were studied. The average weight of the thymus was 16.4 g in boys and 11.6 g in girls. In most cases, the lobes were symmetrical with each other, in ¼ of the cases it was asymmetric, and in 1/7 cases there were more than 2 lobes. The length and width of the thymus lobes were found to be the same in both the right and left lobes in boys, while the right lobe was slightly longer than the left lobe in girls. The thickness of the lobes differed in girls - the right lobe was found to be 1.4 mm thicker.

Key words: infant, thymus, anatomy, topography, thymus weight, dimensions, shape.

Долбзарблиги

Тимус якка турдаги аъзо, кўкс оралиғининг юқориги қисмида, тўш суягининг орқасида жойлашган. Аксарият ҳолларда (70,8%) симметрик чўзинчоқ шаклдаги, олди ва орқасига қараб яссиланган, айрим ҳолларда думалоқ шаклли бўлакчалардан иборат (М.Р. Сапин, 19874 О.В., Зайратанц, 1992). Чап бўлаги 2/3 ҳолларда ўнг бўлагидан узунроқ, бўлаклари бир-бирига жипс жойлашган, айрим ҳолларда бир-бирига кириб туради (З. Кемилёва, 1984 1987; Т.Е. Ивановская, 1996). Тимуснинг олдинги юзаси бўртиб чиқиб туради, орқа юзаси ботик кўринишда. Айрисимон без аксарият ҳолларда ўртада (91,2%), кам ҳолларда паст (5,6%) ва юқори (3,2%) ҳолатда жойлашади. Агар кўкрак қафаси тор бўлса тимуснинг пастки юзаси диафрагмага тегиб туради. Тимуснинг бўйин қисми кўкрак-тилости ва кўкрак-қалқонсимон мушаклар орқасида жойлашади (Кузьменко И.Г., 2002; Кузьменок О.И., 1992) ва унинг юқориги ингичкалашган учи кўкрак бўшлиғидан 1-2,5 см чиқиб туради. Тимуснинг латерал юзаси ўпканинг ўнг ва чап медиастинал юзаси билан чегараланган (И.В. Кравченко, 2008). Тимуснинг иккала бўлаги пастки қирраси 3-4-қавурғалар оралиғига тўғри келади, ёш ўтиши билан юқорига кўтарилади. Тимуснинг орқасида трахея, аорта ва ўпка артериясини ёпиб турадиган перикарднинг юқориги қисми жойлашган. Қиз болалар тимуси, ўғил болаларникига нисбатан кичикроқ бўлади (И.А. Баландина, 2007). Тимуснинг шакли 68,8% ҳолларда баргсимон, 9,6% - цилиндрсимон, 7,2% - конуссимон, кам ҳолларда овал ёки ловиясимон шаклда бўлади. Чақалоқлар тимуси қон томирларга бой ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади: етилиб туғилган чақалоқлар тимусининг анатомик ва топографик параметрлари ўрганиш.

Материал ва усуллар

Материал сифатида янги туғилган чақалоқлар тимуси РПАМ болалар патологияси бўлимида амалга оширилган аутопсия текширувида ажратиб олинди. Дастлаб тимус атроф тўқималардан тозаланиб, тўқимасининг ранги, юзасининг тузилиши, бўлақларининг бир-бири билан боғланганлиги алоқаси ва симметрияси ўрганилиб, бўлақларининг ҳар бири алоҳида торсион торазида вазни ўлчанди. Чақалоқларнинг жинси бўйича тимусни анатомик жиҳатдан ўнг ва чап бўлаклари бир-биридан ажратилиб, узунлиги, эни ва қалинлиги ммда ўлчанди. Тимус бўлақларининг симметрияси, шакли ва нечта бўлақдан иборатлиги аниқланди.

Натижа ва таҳлиллар

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, 48-та ҳолатдан 26 таси ўғил, 22-таси қиз бола эканлиги, қиз болаларда тимуснинг вазни ўртача 11,6 г, ўғил болаларда 16,4 г эканлиги аниқланди. Жами (26), ўғил болалардан 16 таси (61,5%) капалаксимон иккита бўлакчалардан иборатлиги, 6-таси (23,1%) асимметрик бўлакчалардан ва 4 тасида (15,3%) бўлакчалари 2тадан кўплиги аниқланди (1-жадвал). Қиз (22) болалардан 13 таси (59,1%) капалаксимон иккита бўлакчалардан иборатлиги, 6-таси (27,3%) асимметрик бўлакчалардан ва 3 тасида (13,6%) бўлакчалари 2тадан кўплиги аниқланди. 48-та тимусдан энг вазни кичиклиги 4,8 гр, энг юқори вазнлиси 28,2 гр лиги, ўртача 14,6 гр ни ташкил қилди.

1-жадвал


Чақалоқларнинг жинси бўйича вазни, симметрик ёки асимметрик кўрсаткичлари

Жинси	Сони - n	Ўртача вазни, г	Симметрик бўлакли, сон	Асимметрик бўлакли	Бўлаклари $2 \leq$
Ўғил	26	16,4	16 – 61,5%	6 – 23,1%	4 – 15,3%
Қиз	22	11,6	13 – 59,1%	6 – 27,3%	3 – 13,6%

Кўкс оралиғида аниқланган айрисимон без оч бинафша рангли, консистенцияси юмшоқ, юзаси майда донатор нисбатан кичик аъзолиги аниқланди. Узунлиги ўртача 5,2 см, эни 4,3 см, қалинлиги 6,2 см эканлиги аниқланди. Чап бўлаги 62,5% ҳолларда ўнг бўлагилан узунроқ эканлиги, 84,6% ҳолларда кўкс оралиғининг ўртасида, 7,2% - пастроқ, 8,2% юқорироқ жойлашганлиги тасдиқланди. Тимуснинг анатомик шакли ўрганилганда маълум бўлдики,

конуссимон (1), баргсимон (2), тақасимон (3), битта бўлакли (4), икки бўлакли (5), уч бўлакли (6) (1-расм) шаклга эгаллиги аниқланди. Айрисимон без бўлаклари нечталигини ўрганиш шуни кўрсатдики, иккита бўлақдан иборатлиги 85,8%, битта бўлақлиси 5,6%, учта бўлақлиги 9,3%, қўшимча бўлақлар борлиги 3,5%ни ташкил қилди. Ушбу маълумотлар тимуснинг эмбрионал, фетал даврларида она организми патологик ҳолатлари таъсирида шаклланиши, дифференциалланишининг бузилиши натижасида юз берганлигини тасдиқлайди.

1-расм. Айрисимон безнинг шакли ва бўлаклари сони бўйича турлари.



2-жадвал

Етилиб туғилган чақалоқларда айрисимон безнинг ўртача ўлчамлари (мм) ва вазни (г)

№	Ўлчамлари	Жинси	Ўнг бўлаги M±m	Чап бўлаги M±m	Вазни
1	Узунлиги (мм)	Э	37,6±1,66	37,6±1,71	
		А	38,1±1,61	37,7±1,68	
2	Эни (мм)	Э	21,1±1,1	20,5±1,11	
		А	20,8±1,2	19,4±1,18	
3	Қалинлиги (мм)	Э	9,0±0,44	8,6±0,39	
		А	8,7±0,41	7,3±0,4	
4	Вазни (г)	Э			16,4±0,9
		А			11,6±0,8

2-жадвалда кўрсатилганидек, ўғил болаларда тимуснинг вазни бироз каттароқ эканлиги (16,4±0,9), қиз болаларда 3 гр га камроқ (11,6±0,8) лиги аниқланди. Тимус бўлақларининг узунлиги ўлчанганда маълум бўлдики, ўғил болаларда ҳам ўнг, ҳам чап бўлақлари бир хил узунликда эканлиги (2-жадвал), қиз болаларда чап бўлагига қараганда, ўнг бўлаги бироз узун эканлиги топилди. Тимус бўлақларидан ўнг бўлагининг эни ҳам ўғил, ҳам қиз болаларда бир хил даражада узунлиги кузатилди. Бўлақларнинг қалинлиги қиз болаларда фарқ қилди, яъни ўнг бўлақнинг қалинлиги 1,4 ммга қалин эканлиги аниқланди.

Хулоса

Тимуснинг ўртача вазни ўғил болаларда 16,4 г, қиз болаларда 11,6 г, аксарият ҳолларда бўлақлари бир-бири билан симметрик, ¼ қисмида асимметрик ва 1/7 ҳолларда бўлақлари 2 тадан кўплиги аниқланди.

Тимус бўлақларининг узунлиги ва эни ўғил болаларда ҳам ўнг, ҳам чап бўлақлари бир хил узунликда эканлиги, қиз болаларда чап бўлагига қараганда, ўнг бўлаги бироз узун эканлиги топилди. Бўлақларнинг қалинлиги қиз болаларда фарқ қилди, яъни ўнг бўлақнинг қалинлиги 1,4 ммга қалин эканлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Зайратьянц О. В. Патология вилочковой железы и аутоиммунные болезни: дис. ... д-ра мед. наук. - М., 1992. - 357 с.
2. Кемилёва, З. Вилочковая железа / З. Кемилёва; перевод с болг. А. И. Иванова. - М. : Медицина, 1984. - 256 с.
3. Кравченко, Л. В. Состояние иммунной системы у детей первых месяцев жизни с герпесвирусной инфекцией / Л.В. Кравченко // Педиатрия. — 2008. - Т. 87, № 1. - С. 52-57.
4. Кузьменко, Л. Г. Оценка величины вилочковой железы у детей первых лет жизни по данным ультразвукового сканирования / Л.Г. Кузьменко // Педиатрия. -2002. -Т. 81, № 6. - С. 110- 112.
5. Кузьменок, О. И. Клетки стромы тимуса. Тимусное микроокружение / О.И. Кузьменок, И.М. Беляков, А.А. Ярилин. - М., 1992. - С. 4- 46.
6. Патология тимуса у детей / Т. Е. Ивановская [и др.]. - СПб. : Со-тис, 1996.-271 с.
7. Сапин, М.Р. Иммунная система человека / М.Р. Сапин, Л.Е. Этин-ген. - М. : Медицина, 1996. - 304 с.

Қабул қилинган сана: 20.04.2024